ОИЛА ВА ЖАМИЯТ

عائله و جمعیت

1993 й. март

12 сон

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ • БАҲОСИ 10 СЎМ

ДИЛИНГИЗНИ ЭЗГУ ТУЙҒУЛАР ЗАБТ ЭТСИН!

Ҳар бир халқнинг ўз байрами бор. Халқнинг байрамини ундан ҳеч ким, ҳеч қандай куч тортиб ололмайди. Шарқ халқларининг, жумладан ўзбек халқининг юрагига минг йиллардан буён энг эзгу туйғуларни солиб келаётган ана шундай байрамлардан бири Наврўздир. Наврўз руҳи халқимизнинг қалбида ҳеч қачон сўнмаган. Лекин шундай даврлар бўлдики юрагимиздаги қувонч, дилимиздаги эзгу тилакларни юзага чиқара олмадик, танишу нотанишлар — элимиз билан баҳамлашолмадик.

Шукр, Наврўзимиз ҳам эркинликка чиқди. Мана, иккинчи йилдирки Наврўзни — дилларни эзгу туйғулар забт этадиган кунни бутун мамлакатимиз сайл қилмоқда. Унинг нафаси овлоқ қишлоқлардан тортиб, то чўпон-чўлиқларнинг ўтовларигача кириб бормоқда. Бу йилги Наврўз яна шуниси билан ҳам қадрлики, унинг изидан ҳайит намози келди. Ота-боболаримиз дилига имон-эътиқод, меҳр-садоқат, ҳамдардлигу эзгулик руҳини солиб келган бу байрамни ҳам кўнглимиздагидек ўтказиш учун ҳукуматимиз шароит яратиб берди — мамлакатимизда ҳайит намозининг биринчи куни — дам олиш куни деб белгилаб қўйилди. Кези келганда айтиб ўтмоқ жоиз, мамлакатимизда азалий удумларимизни тиклаш, халқимизни бозорга олиб борадиган машаққатли, синовлари ҳисобсиз йўлдан омон-эсон олиб ўтиш учун барча ишлар қилинмоқда. Ҳукумат халқни, айниқса унинг ночор қисмини ижтимоий ҳимоя қилишни асосий вазифалардан бири деб билмоқда.

Азиз муштарий. Газетимизнинг ушбу сонида мамлакатимизда ана шу жабҳада олиб борилаётган ишлар билан танишасиз.

УШБУ СОНДА:

РЎЗАДАН КЕЙИНГИ АМАЛЛАР 4-БЕТ

ЭҲСОН ОРИПОВ: ЖАҲОН БОЗОРИГА ЧИҚАМИЗ 7-БЕТ

ОРТИҚ ОТАЖОНОВ БИЛАН СУҲБАТ 8-БЕТ

КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

СИРОЖИДДИН САЙЙИД:

БУ ЙЎЛЛАРДА ТУФРОҚ БЎЛСАМ

БОТИР ЭРНАЗАР:

«ДУТОРЧИ ҚИЗЛАР» — ЯГОНА АНСАМБЛ

ЧУМЧУҚ ПОЛВОН

Одамзот ўз кучининг маълум қисмидангина фойдалана олади, ҳеч вақт тўла ишлата олмайди. Масалан, спорт билан астойдил шуғулланувчи кишилар таналаридаги имкониятнинг ўттиз фоизидан фойдалана олар-канлар, холос. Кишининг кўзига жони кўринган вақтда шундай вазиятлар юзага келган: ўғлини машина босган бир аёл жонҳолатда машинани даст кўтариб, ўғлини ғилдирак тагидан чиқариб олган. Мутахассисларнинг айтишича, аёл ушбу вазиятда танасидаги кучнинг кўпи билан етмиш фоизини ишлатган, холос. Яна бир мисол: Олтиариқ туманида Жонобод деган қишлоқ бор. Шу қишлоқ курашчилари бошқа жойларга олишувларга кўп бориб туришаркан. Ўратепа томонда халқ Дев полвон деб атовчи бир полвон бўлиб, ниҳоятда баҳайбатлиги учун шу номни олган экан. Жонободлик Чумчуқ полвон унга қарши майдонга чиқибди. Гавдаси кичкиналиги ва чаққонлиги учун уни шундай аташаркан.

Халқ: «Ҳозир уни Дев қушдай учириб юборади», деб кутиб турибди. Қарангки, ўша курашда Чумчуқ полвон девни йиқитган экан. Бу ҳатто афсонага ҳам айланиб кетган. Менимча, Чумчуқ полвон енгишининг икки сабаби бор: Дев полвон уни писанд қилмай, ўз кучидан имконияти даражасида фойдаланмаган. Чумчуқ полвон эса кучли рақиб билан курашаётганини тўла ҳис қилиб, бор кучи ва маҳоратини ишга солган. Олишувдан сўнг, ўртадаги ҳакам: «Қани, бу полвонга даъвогар борми?», деб сўрабди. Ҳеч кимдан садо чиқмабди. Шунда, Чумчуқ полвоннинг ҳамроҳларидан бири: «Бу-ку бизнинг энг кичик — «чумчуқ» полвонимиз, агар «дев» имизни опкеганимизда нима бўларди?», деб кулган экан.

Турсун Али МУҲАММАД

Етти кун

АМАЛ БОРМИ — ЁРДАМ ҚИЛ

Косонсой шаҳри ва тумани ҳокимларининг фармонига кўра икки юзга яқин ҳимояга муҳтож фуқаро ташкилот ва муассасаларнинг мансабдор шахсларига бириктириб қўйилди. Улар энди бу фуқароларга қўлларидан келганча моддий ва маънавий ёрдам берадиган бўлдилар.

АМРИҚОЛИК ЎРОЛБОЙ

Наврўз арафасида Самарқандда қувончли воқеа рўй берди. Амриқолик эр-хотин Брайенлар оиласида ўғил туғилди. Чақалоқ чинакам паҳлавон — 4 кило-ю 200 грамм.

Дорилфунун талабаларига инглиз тилини ўргатиш мақсадида Самарқандга келган Брайен Меруси ва унинг рафиқаси Тиббиет хонимнинг қувончи чексиз. Улар фарзандларига инглизча Жорж ва ўзбекча Ўрол деб исм қўйишди.

«МУЛТИК»НИНГ УНИ ЎЧДИ

«Навойиазот» бирлашмасига қарашли 4-болалар боғчасига ўғри тушди. Ўғрилар деразанинг очиқ қолдирилганлигидан фойдаланиб, «Электроника» ва «Берёзка» телевизорларини олиб чиқиб кетишган.

Энди боғчадаги ҳаёт яна зерикарли бўлиб қолди. Кичкинтойлар «мултик» кўрамиз деб хархаша қилишгани-қилишган, боғча опаларнинг эса ўғриларни қарғашдан бошқа иложи йўқ.

ЧИҚИТ БИЗГА, ЗАВЎД СИЗГА

Яқинда амриқолик бир гуруҳ жаноблар жумҳуриятимизнинг Мурунтов тилла конидаги чиқитлар (отвал)ни текшириб, қайта ишлаб тилла олиш мумкин деган хулосага келишди. Завўд қурилиши бошланай деб турибди. Гуруҳ бошлиғи нью-йорклик жаноб Шавкатнинг лафзига кўра, чиқинди тугагач, завўд мурунтовликларга текинга қолади.

АЙТГАНЧА

Мурунтов экспедицияси бошлиғи Қудрат Собировга туғилган кунида нью-йорклик худди ўша жаноб Шавкат томонидан 4 яшик Амриқо крассовкаси совға қилинди. Совға, агар сотиб юборилмаса, юбилярнинг етти пўштига бемалол етади.

РЎЗАДОРЛАР ДУОСИ

Олтинсой туманидаги Карл Маркс хўжалигига қарашли Чинор қишлоғи фермери Камолиддин Хўжакелдиев Рамазони шариф кунларида янги уй-жой қурган, томорқа олган ёш болаларга ўзи етиштирган ёнғоқ, олма, олча, хурмо, шафтоли каби мевали кўчатлардан текинга улашиб чиқди. Бозорда ҳар дона кўчатнинг нархи 50-100 сўмдан бўлиб турган бир пайтда фермернинг бундай ҳиммати кўпчиликка хуш келди.

СУЗМА, ҚАТИҚ ПУЛ БЎЛДИ

«Сирдарё, Бахт шаҳарлари бозорларида бир кило сузма 50, сариёғ эса 500 сўмдан сотилмоқда. Чинозда сузма янаям қиммат — 100 сўмдан эмиш» дея ҳаяжонланиб хабар беради мухлисимиз Даврон Бек. У киши афтидан, яқин ўртада Тошкент бозорларини айланмаган кўринади.



МУАЛЛИФ СУРАТИ

ҚАЛДИРҒОЧНИНГ ҚАНОТИ ҚАЙРИЛМАСИН, ИЛО-Ё

Боланинг кулгиси ширин ва самимийдир. Унга ҳамма нарса ярашади, у ҳамма нарсага ярашади. Боланинг кулгиси беғубор ва жўшқиндир. У дунёнинг ҳар битта тушкунлигини, ҳар бир катта-кичик қусурини ўзининг равонлиги, мусаффолиги ва тозалиги билан ювиб юборади бемалол. Шунинг учун бўлса керак ҳаммамиз бўлмасакда кўпчилигимиз, дунёни болаларга беринг, иборасини такрор-такрор ишлатамиз. Уларнинг қалбини тушунганлигимиздан ҳам қилажак ишларимиз, суражак хаёлларимиз ҳам худди шу тарзда давом этаверади. Халқимиз ҳам ж-а-аа болажон халқ.

Яқинда Тошкент шаҳридаги 12-болалар боғчасига борганимда гапнинг пўсткалласи оғзим ла-а-а-нг очилиб қолди. Хаёлимдан ўтган нарса шу бўлди: ЮРГАН ЭКАНМАНДА БИР ВАҚТЛАР МЕН ҲАМ БОЛА БЎЛГАНМАН, БОҒЧА ТАРБИЯСИНИ КЎРГАНМАН, деб. Аслида болалар масканининг энг зўри мен яшаган узоқ-узоқ жойларда эмас, Тошкентда экан. Барчага маълум ва равшанки ўрисия рубли кун-ора қадрсизланмоқда. Бас, шундай экан унинг касрига тушмаган бирорта муассаса қолмагандиров деган ўйларга борардим. Бироқ, бор экан бозор касодига учрамаган катта-катта «рўзғор»лар ҳам. Улардан бири ўша мени ҳайрону лол қолдирган 12-боғча.

Бунда оз эмас, кўп эмас жами 225 бола тарбияланмоқда. Шулардан 180 нафари мактабгача тарбия ёшидагилар. Қолган 45 бола асосан 2-3 ёшдаги кичкинтойлардан иборат. Улар учун муҳайё қилинган шарт-шароитларга дуч келганларнинг ҳаммаси: — Қанийди, мен ҳам бола бўлсам, — деб орзу қилиши ортиқча ваҳима эмас. Бино икки қаватдан иборат. Мавжуд тарбияланувчиларга ортиғи билан етадиган даражада хоналар бор. Ҳар бир хона болаларнинг қизиқишига, ички дунёсига, дидига қараб жиҳозланган. Уйинчоқларнинг сонисифатини айтиб ўтиришни ҳожати ҳам йўқ. Ошпазлар, шифокорлар учун алоҳида-алоҳида жойлар. Ҳали кўпгина мактабларимиз эга бўлолмаётган қишки спорт зали, ёзги чўмилиш ҳавзаси. Ерга тўшалган гиламлар, янгидан-янги стол-стулчалар, мусиқа асбоблари... хуллас эҳ-ей-ей, нимасини мақтай уларни, бундай мўл-кўлчиликдан таажжубланиб боғча мудираси Раиса опадан сўрадим:

— Барибир сизларда ҳам қанақадир камчилик бўлса керак. Ахир бугунги кунни бусиз тасаввур қилиш, билмадим қанақа бўлади!

— Ҳозирча шароитимиз ўзимизни икки юз фоиз қониқтиради десам ҳам хато қилмаган бўламан.

— Бу ерга келишимдан олдин боғчангизни бунчалик бой эканлигини тасаввур ҳам қилмагандим!

— Бошқалар ҳам худди шундай ўйласа керак. Қисқаси, мамлакат Мудофаа вазирлиги оталиғидамиз.

Э-э, қойил! Ҳарбийларнинг отасига раҳмат. Келажак авлодларига шундай шароитни миннатсиз яратиб қўйиш мардларнинг иши ахир. Улар фақатгина тинчлик посбонларигина эмас, балки келажак учун қайғураётган баҳодирлар ҳам экан.

Дарвоқе, бу боғчада тарбияланаётганлар — ўзбек, қозоқ, рус, яҳудий ва ҳоказо миллат вакиллари бир қозонда теппа-тенг қайнамоқда. Энг муҳими, таълим-тарбия ишлари ўзбекона руҳда олиб борилаётган экан. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун қуйидаги мисол кифоя деб ўйлайман: суратга олиш учун жозибадор куй янграётган хонага кирдим. 15 га яқин бола рақсга тушмоқда. Шартта ишга киришдим. Тарбиячи опа катта курси устида турган радиокарнайга Насиба Абдуллаеванинг қўшиқлари жамланган тасмаларидан бирини қўйиб, овозини баланд кўтарди. «Баригал!» Ҳалиги болалар ўзбекча қилиб бирам чиройли ўйнаб бердики таъриф-лашга тил ва сўз ожиз.

Боғчада олиб борилаётган таълим-тарбия ишларининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, мактабгача тарбия ёшидагилар учун ўзбек тили дарси ўтилмоқда. Машғулотларни мутахассис Муҳаббат Васиқова олиб боради. У кишининг кунлиқ иш дастури асосан оддий сўзлашув нутқи ҳамда шеърлардан иборат. Муҳаббатхоннинг таъриф беришича ўтган икки йилда ўзи тарбиялаган болалар ўрта мактабга боргунча ўзбек тилини тўлиқ ўзлаштириб олишган.

Айни паллада ушбу тарбия масканида 24 та тарбиячи ишлайди. Болалар ёшига қараб 12 гуруҳга бўлинган. Кундалиқ режими эрталаб соат 7^{30} дан кечга қадар давом этади. Шанба ва бозор дам олинадиган кун. Қисқаси ушбу маълумотларни қоғозга туширар эканман, боғча шароитини ўзимча «5»га баҳолагандай бўлдим. Аммо бу ҳам камлик қиларди назаримда. Аслида унинг баҳоси ўзи билан.

Нормурод МУСОМОВ

САНЪАТКОР ПУЛГА УЧМАСИН

Турсуной Мамедова, Ўзбекистон халқ артисти. 1941 йили Наманган вилояти, Учқўрғон туманида туғилган. Отаси Сотиболди ота, онаси Ҳожарбиби ая, ҳар икковлари 100 ёшда икки-уч йил бурун вафот этишган.

Турмуш ўртоғи Муҳаммаджон ака Наманган вилоят маиший хизмат кўрсатиш бошқармасида етакчи муҳандис бўлиб, яқинда нафақага чиқди. Фарзандлари Фаридахон, Раъногонлар — хизматчи, Ёдгорбек-мусаввир.

6 нафар набираси бор.

Айни кунда Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят театрида ишлайди.

— Тошкентда ўқиб юрган кезларим Муқимий театрига тушгандим. Ўшанда Турсуной Мамедова рол ўйнарди. Демоқчиманки...

— Ўша актриса айнан ўзим. Наманган театрида 1957 йилдан буён ишлайман. 1962-1972 йиллар Тошкентда, Муқимий театрида ишладим, аниқроғи Тошкентга олиб кетишди. Бахтлиман — Лутфихоним Саримсоқова, Раззоқ Ҳамроев, Сойиб Хўжаев каби улкан санъаткорлар билан ҳамнафас бўлган йилларимни асло унута олмайман. 1972 йили яна Наманган театрига қайтдим. Юзлаб спектакларда рол ўйнадим. "Нурхон"да Халча, "Юсуф ва Зулайҳо"да Зулайҳо, "Фарҳод ва Ширин"да Моҳинбону, "Тоҳир ва Зуҳро"да Моҳимбону, Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" видеофилмида бойнинг биринчи хотини, "Бобур" видеофилмида Бобурнинг онаси... Ҳозир "Улуғбек" видоефилми устида ишлаяпмиз — Улуғбекнинг онаси ролини ижро этаяпман.

— Бобурнинг онаси роли сизга катта шуҳрат келтирди. Бу филмга қандай "бориб қолдингиз?"

— Режиссёр Мақсуд Юнусов — ажойиб санъаткор. Ҳадеб машҳур артистлар рол ўйнавермасин, вилоятларда ҳам катта истеъдодлар бор, деб кўпгина филмларга вилоятлардан артистлар таклиф қилади. Чиндан ҳам "Бобур" видеофилми орқали кўпгина янги номлар юзага чиқди. Филм қўшиқларини ижро этган олтиариқлик хонанда Маъмуржон Тўхтасиновни ҳам одамлар шундан кейин яхшироқ таниди, хизмат кўрсатган артист бўлди. Яна кўплаб чеккада юрган истеъдодлар ҳам эл назарига тушишди.

— Сизни санъат мухлислари кўпдан буён яхши танийдилар...

Ота-онам 13 фарзанд кўришган.

Фарзандлари турмаган. Ўн учинчи бўлиб мен туғилган эканман. Ўн уч фарзанддан якка ўзим ўсганман. Шу туфайли улар мени санъатга киришимга ҳам норози бўлишмаган.

— Ҳозирги бозор иқтисоди, сизга ҳам сезиляптими?

— Мен авваллари кўп қийналганман. Шу туфайлими, ҳозирги қийинчилик менга ҳеч сезилгани йўқ. Уруш йиллари, урушдан кейинги қийинчиликлар олдида ҳозиргиси нима бўпти? Одам шукр қилишни, сабр-қаноатни ҳам билиши керак.

— Санъаткор учун Тошкентда бўлган яхшими ёки вилоятда ишлаган маъқулми?

— Тошкентда ишлаш санъаткор учун гоят қулай. Энг оддийси — вилоятларда бастакорлар йўқ. Тошкентда радио, телевидение ёнингизда, хоҳлаган бастакор билан ҳамкорлик қилишингиз мумкин.

— Ҳасад, душманлик ёмон иллат. Лекин биров сизни тергаб турса ёки рақобатчингиз бўлгани менимча, яхши. Мен ҳозир баъзан бир жойда тўхтаб қолганга ўхшайман. Ишхонада ҳамма Турсуной деб эъзозлайди. Илгари дуруст эди, кимлар биландир тортишиб, рақобатлашиб, илгарилаб бораётгандай бўлардим.

— Қайси институтда ўқигансиз?

— Вой укам-ей, 8-синфни битирганман., холос.

— Унда 30-40 бетлик спектакларни қандай ўқиб, ёд оласиз?

— Бирор варақ текст ўқиб, ёд олганимни на ишхонада ҳамкасбларим, на ўйда поччангиз ёки болаларим кўрган. Текстни ҳарфма-ҳарф бир кўздан кечираман. Ўшанда миямга жойлашади-қолади. Воқеа ичига кириб олсам бўлди.

— Бўш пайтда нима билан машғул бўласиз?

— Бўш вақтим бўлмайди. Эрталаб репетицияга бораман, кейин концерт. Баъзан мактабдан, боғчадан халқ термаларини сўраб келишади. Бўш вақтим мабодо бўлиб қолса, овқат қилишни яхши кўраман. Уриниқни хуш кўраман. Кўйлак тикаман, қуён боқаман. Қуёнларим қафасда эмас, уйда набираларим билан ўйнаб юраверади.

— Сир эмас, санъаткор аёлларни телевизорда, концертларда томоша қилаверамиз-у, ҳаётда уларга кўпинча салбий муносабатда бўламиз. Бунга қандай қарайсиз?

— Санъаткорни, айниқса аёл санъаткорларни ҳеч ким, ҳатто эри ҳам тушунмайди. Бечора нима қилсин, Худо ҳар кимга ҳам бундай дард беравермайди. Кундузи репетиция, кеч концерт. Болаларга қарашга вақти йўқ. Санъаткор аёлни аввало турмуш ўртоғи тушунсин, сўнг атрофидагилар.

Суҳбатдош Малик БОЙ МУҲАММАД

ОИЛА — МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

Мамлакатимиз оила ва никоҳ қонунларининг ривожланиш йўлига назар ташласак, жамият ҳаётининг бошқа соҳалари сингари оила ва никоҳ муносабатларида ҳам оврупача урф-одатларни синдириш ҳоллари сезилиб ўтуради. Ўзбекона миллий урф-одатлар, шариат қонунларида мавжуд бўлган мустаҳкам оила қуришни таъминловчи омиллар бутунлай чиқариб ташланган. Собиқ Иттифоқ миқёсида бир неча бор қабул қилинган ва ўзгартирилган қонунлар асосида никоҳ ва ажралишга доир масалалар ҳамда бошқа оилавий низоларни кўриб, ҳал қилиш тартиби жумҳуриятимизда ҳам бир неча бор ўзгартирилган. Шуниси ачинарлики, қонунларни ўзгартиришда ҳар гал асосий эътибор оиланинг пойдевори — никоҳни тузишга эмас, балки тузилган никоҳни бузилишига қаратилган эди. Никоҳдан ажралишни икки погонали суд йўли билан ҳал қилиш, никоҳдан ажралиш ҳақида матубуотда эълон қилиш, ажралиш учун катта ҳажмда пул тўлаш ва шунга ўхшаш бошқа тадбирлар оилаларнинг бузилишини камайтирмади. Аксинча, бу қонунлар никоҳни қайд қилмасдан яшаш, болалар ҳуқуқини чеклаш, хотин-қизларнинг оилавий ҳуқуқларини камситишга олиб келди.

Мамлакатимизнинг янгидан қабул қилинажак никоҳ ва оила қонунида халқимизнинг миллий урф-одатлари, ўтмиш анъаналари ҳамда шариат қонунларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Қабул қилинажак янги қонунда биринчи навбатда никоҳга кириш учун шартлар белгиланиб, никоҳни рўйхатга олиш тартиб қоидаларининг бажарилиши давлат томонидан қаттиқ назоратга олиниши лозим. Суд, прокуратура ва фуқаролик ҳолати ҳужжатларини рўйхатга олиш идораларининг иш тажрибаларини ва, бошқа маълумотларни таҳлил қилганда кўрамизки, қишлоқ жойларда, маҳаллий аҳоли кўпроқ яшайдиган ерларда ажралиш шаҳарларга қараганда анча кам учрайди. Хоразм вилоятида ажралиш никоҳга кирганларнинг 7,5 фоизини ташкил қилгани ҳолда, Тошкент вилоятида 40 фоиздан ортиқни ҳосил қилади. Навоий, Зарафшон ҳамда Тошкент шаҳарларида бундан ҳам ортиқ. Бунчалик катта тафовутнинг сабаби нима? Таҳлилларга қараганда, бунинг асосий сабабларидан бири, муваффақиятли никоҳнинг доимий яшаб турган, бир-бирларини ёшликдан таниган-билганлар ўртасида тузилишидир. Бўлажак эр-хотин, уларнинг ота-оналари, қавм-қариндошлари бир-бирларини кўп йиллардан, ҳатто туғилишидан танийдилар, кўча-кўйда, жамоат жойларида ишда, оилада, тўйда ва азада хулқ-атворларини, юриш-туришларини кўриб юрганлар. Шунга ҳам қаноат қилмай, ёшларнинг бошини бириктиришдан олдин оқсоқоллар билан маслаҳатлашиб оладилар. Никоҳланиш учун маслаҳат берган кексалар ёш оиланинг мустаҳкам бўлиши учун кафил бўладилар. Ёшлар орасига бирон совуқчилик тушганда никоҳ бузилишининг олдини оладилар. Ундан ташқари, бўлажак келин-куёв унаштириб қўйилгандан кейин анча вақтгача, ҳатто йил давомида бир-бирларини синаб кўрадилар.

Шаҳарда-чи? Кўпинча бир кўришда "ошиқи беқарор" бўлиб, "муҳаббат" изҳор қиладилар, ота-оналаринининг маслаҳатини олмай, шошма-шошарлик билан никоҳдан ўтиб оладилар. Қонунларимиз ҳам бунга шароит туғдириб беради: никоҳни рўйхатдан ўтказиш учун бор-йўғи бир ой муддат берилган. Бунинг устига ЗАГС мудирига бу муддатни ҳам қисқартириш ҳуқуқи берилган.

Янги оила ва никоҳ қонунига бизнинг биринчи таклифимиз: бўлажак эр-хотинлар феъл-атворларини билиб олиш учун етарли муддатни белгилаш, ёшларнинг ота-оналари розилигини олиш, ҳаётда бой тажрибага эга шахсларни кафил этиб, никоҳни қайд қилиш тартиби белгиласин.

Давлатимизнинг келажаги соғлом оилададир. Ҳам жисмоний, ҳам маънавий покликни таъминлаш учун оила ва никоҳ қонунларида бўлажак эр-хотинларни тиббий кўрикдан ўтказиш, уларнинг болалик бўлиш қобилияти, юқумли ва наслга ўтувчи касалликлардан (СПИД, сил касали, руҳий касалликлар ва ҳоказо) холи эканликларини албатта, аниқлаш лозим.

Қизиғи шундаки, жамиятнинг ҳамма соҳаларида кенг қулоч ёзган расмиятчилик никоҳни қайд этиш жараёнида ўз таъсирини ўтказмаган. Ҳамма соҳаларда зарар берган расмиятчиликни никоҳни рўйхатга олишда тадбиқ қилинса, балки фойда берармиди? Соғлиги ҳақида тиббий муассасалардан ҳужжат бўлмаса, ҳаттоки ҳовузда чўмилишга ҳам рухсат берилмайди. Никоҳни рўйхатга олишда, фақат оила қурувчилар "бир-бирларини хабардор" қилиб қўйсалар- етарли, соғлиқлари ҳақида ҳеч қандай ҳужжат талаб қилинмайди. Соғлиги ҳақида нотўғри маълумот бериб, касаллигини яширган, шу йўл билан никоҳ қурган шахслар билан никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги қонунда назарда тутилмайди, бунинг учун ҳеч қандай жавобгарлик ҳам йўқ. Қабул қилинажак қонунда бу масалага ойдинлик киритилиб, махсус шартлар белгиланса, бу ҳам оилани мустаҳкамлашга қаратилган бир манба бўларди.

Никоҳдан ажралиш учун ариза берганларнинг аксарияти, аниқроғи 60 фоиздан ортиғи 23 ёшга тўлмай никоҳга кирганлар, ажралишнинг асосий сабаби эса эр-хотин ўртасида иқтисодий, уй-жой қийинчиликларидан келиб чиққан низолар натижасидир. Никоҳланиш фақат эр-хотиннинг бир-бирлари олдидаги мажбуриятини белгилаб қолмай, балки учинчи шахс, бўлажак авлод олдида ҳам масъулият юклайди. Шунинг учун ҳар бир ёш оилада авлоднинг бахтли бўлиши, соғлом ўсиши учун етарли имконият бўлиши лозим. Яъни, етарли иқтисодий манба, моддий имконият ҳамда уй-жой шароити бўлиши керак. Бу шарт-шароитларнинг мавжудлиги оила пойдеворини мустаҳкамлаш учун хизмат қилади. Шу сабабларга кўра, бўлажак қонунда никоҳга киришнинг асосий шартларидан бири этиб, эркак томонининг моддий ва уй-жой шароити ҳисобга олиниши керак. Бахтли оила қуриш кўпинча эркакнинг мустақил ҳаёт кечиришга қанчалик тайёр эканлигига боғлиқ.

Хуллас, мамлакатимизда илк бор қабул қилинажак оила ва никоҳ қонуни кенг ва атрофлича ўрганиб чиқилиши керак. Мунозара, баҳсларни талаб қиладиган оила ва никоҳга доир ҳуқуқ нормалари жуда кўп. Бу таклифларимиз никоҳга киришнинг айрим шартлари ҳақида, холос.

Рустам Муҳаммедов
Ҳуқуқшунослик фанлари номзоди

«Оила ва жамият» 13 (136)

ЗОҲИДЛИК БИЛАН ТАСАВВУФ ОРАСИДАГИ ФАРҚ

Эй биродар, ислом дини ҳар бир ишда ўртачаликка буюради. Чунончи, зоҳидлик борасида-да дунёга муккасидан кетган, яҳудийларга ва ё дунёдан бутунлай юз ўгирган насора роҳибларига-да ўхшамай ўртача бир йўл тутмоққа чорлайди.

Зоҳидлик, агар Қуръону суннат ҳудудида бўлса, мақтовли бир ишдир. Пайғамбар алайҳиссалом, Абу Бакр, Умар (Аллоҳ улардан рози бўлсин) ва кўп саҳобалар ана шундай зоҳидлардан эдилар.

Уларнинг зоҳидликлари бирор касб қилмай, одамларнинг хайру эҳсонини, садақасини кутиб ётавериш эмас эди. Йўқ, уларга дунё келар эди, улар эса бу келган дунёни дин йўлида сарфлар эдилар. Ҳаёт қулайликларидан узрли бўлиб қолган ҳолларидагина маҳрум эдилар. Бор бўлса фойдаланар эдилар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом аёлларни, хуш бўйни яхши кўрардилар, гўшт ердилар, рўза тутардилар, оғиз ҳам очардилар, кечаси туриб ибодат қилардилар, ухлардилар ҳам, ишлардилар, ҳаракат қилардилар, мусулмонларга ҳакамлик қилардилар, уларга Қуръонни ва динни ўргатардилар.

Кейинги имомлар — халифалар орасида ҳам Пайғамбар алайҳиссалом тариқатидаги зоҳидлар бўлди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Пайғамбар алайҳиссаломдек зоҳид бўлиш мусулмонларга вожиб эмас. Чунки Қуръонда ҳам, суннатда ҳам бу борада ҳужжат ворид бўлган эмас. Бундан ташқари Усмон ибн Аффон, Абдураҳмон ибн Авф, Зубайр ибн Аввом каби тижорат билан шуғулланиб, кўп молу дунё йиққан саҳобалар ҳам бўлган. Баъзи ансорийларнинг катта-катта боғлари бўлган. Пайғамбар алайҳиссалом уларни бу ишларидан қайтармаганлар. Балки ўзларининг бир ҳадисларида: "Солиҳ кишининг солиҳ моли бўлиши нақадар яхши нарса",— деганлар. Хизматкорлари Анас ибн Моликнинг ҳаққига дуо қилиб, дуоларининг охирида шундай деганлар: "Эй, Аллоҳ унинг молини ва фарзандини кўпайтир, унга барака ато қил". (Саҳиҳ Бухорийдан).

Хўш, энди сўфийликнинг зоҳидлиги қандай? Бу сўфийлик ҳалолдан касб қилиш фойдали иш қилишни ташлаб, хонақоларда одамларнинг хайру эҳсонларини, садақаларини кутиб, ибодат қилишдир. Дунёдан тийилиш, ҳокимлару тожирларни ёмон кўриш, айни пайтда, уларнинг дастурхонларидан қолган ушоқларга эришиш учун уларни мақташдир.

Сўфийликдаги зоҳидликнинг яна бир белгиси ташқи кўринишга зеб беришдир. Эски, ямоқ, чуриган кийимларни кийиб, ўзининг муҳтожлигини, зоҳидлигини, яхши одамлигини намойиш қилишдир.

Тўғри, айрим сўфийлар ўз эътиқодларига содиқ бўлиб, хуштаомларни тановул қилишга қодир бўла туриб, узоқ кунлар овқат емай ёки фақатгина талқон еб юрадилар. Лекин бу иш ҳам Пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатларига зиддир: "Ким менинг суннатимдан юз ўгирса, у мендан эмас" (Муттафақун алайх). Пайғамбар алайҳиссалом гўшт ердилар ва қўйнинг сонини яхши кўрардилар.

Айрим сўфийлар ҳаддан ташқари ўзларини қийнаб юборадилар, қумтупроқларни ейдилар, шукрини адо қилолмайман деган ҳужжат билан соф, тоза сувлардан юз ўгириб, атайин лойқа сувларни ичадилар. Уларнинг ҳужжати ўта заифдир. Кўз, қулоқ, соғлиқ каби Аллоҳнинг бошқа неъматларига шукр қилиш, совуқ сувни тарк қилиш билангина адо қилиниб қолармиди? Асло! Аксинча бу ишни қилган одам гуноҳкордир, чунки у ўз жисмига зарарли бўлган, уни ҳалокатга олиб борадиган ишни қилди. Ваҳоланки Аллоҳ таоло айтади: "Ўз жонларингга қасд қилманглар, албатта, Аллоҳ сизларга раҳмдилдир". Яна айтади: "Аллоҳ сизларга осончиликни хоҳлайди ва сизларга қийинчиликни хоҳламайди". Аллоҳ бизга раҳм қилиб, мусофир ёки касал мусулмонга рўза тутмасликка рухсат беради. Барча ҳамду миннат Аллоҳникидир!

Биз айтиб ўтган ўзини қийнашлар тасаввуфнинг аввалги вақтларида бўлди. Кейингилар эса еб-ичишга муккасидан кетдилар. Ибн Жавзий ўзининг "Талбиси Иблис"ида сўфийликнинг ўзини қийнаш даражасидаги зоҳидлигини танқид қилганидан кейин шундай дейди: "Замонамиз сўфийларида (яъни VI асрда) бизга ман қилинган ўша зоҳидликнинг аксини кўрамиз. Аввалгиларнинг очликка, ҳиммати қанчалик бўлса, ҳозиргиларнинг тўқликка (овқат ейишга) ҳиммати шунча. Булар кечаю кундуз овқатланадилар. Таомларининг ҳаммаси ёки аксари нопок моллардандир. Улар бу дунё учун касб қилишни тарк қилдилар, охират учун ибодат қилишдан-да юз ўгирдилар. Танбаллик ботқоғига ботдилар. Аксариятининг ичиш ва ўйнашдан бошқа ишга ҳиммати йўқ".

Ҳозирги замонимиздаги сўфийларнинг аҳволлари ҳам ибни Жавзий ҳикоя қилган сўфийларникидан кам эмас, балки улардан-да бадтарроқдир. Уларнинг воқеаларини тўла-тўкис баён қилиш бу мавзуимизга сиғмайди.

Улуғбек СУЛТОН тайёрлади



А. САПАРМАТОВ сурати

ЛУҚМАНГИЗ ҲАЛОЛМИ?

ҲАР БИР МУСУЛМОНГА ҲАЛОЛ РИЗҚ ИЗЛАШЛИК ФАРЗДИР.
(Ҳадиси Шарифдан)

Луқмаи ҳалол сидқидилдан қилинган дуою ибодатларнинг ижобати, инсон наслининг тоза сақланишига, руҳиятининг покиза бўлишига бевосита таъсир кўрсатади. Аллоҳ таолонинг Қуръони каримда мўмин бандаларга: "Ҳалол, пок таомлардан енглар ва яхши амаллар қилинглар!", — деб буюриши ана шунга ишорадир.

Ўз нафсининг итоаткор қулига айланган кимсаларнинг Шайтон ноғорасига ўйнаб ҳар қандай разолат ва тубанликлардан тап тортмаслиги маълум.

Турли сабабларга кўра, аждодларимиз асрлар бўйи ардоқлаб келган Иймон-эътиқод сусайиб кетганлигидан эндиликда кишиларимизнинг аксарияти Охиратни батамом унутиб қўйди. Шайтоннинг васвасасига учраб, танпарварлик, дунёпарастлик, пулпарастлик дардига гирифтор бўлиб қолди, сўфийлар таъбирича, нафси амморанинг ночор бандаларига "Узумини енгу боғини суриштирманг", "Тирикчилик-тирриқчилик", қабилидаги саёздан-саёз, ўта калтабин, ғирт худбинона ақидаларни дастак қилиб умргузаронлик қилишга одатланиб кетди. Одамларнинг хулқ-атворига сингишиб кетган одатлардан эса, уларнинг яхши-ёмонлигидан қатъий назар, воз кечиш ҳамиша қийин кечади.

Луқмаи ҳалол фақат ва фақат бевосита пешона тери ва кўз нурини тўкиш, ўз билак кучи ва ақл-идрокини ишлатиб ҳалол меҳнат қилиш воситасидагина бунёдга келади. Бунинг учун ҳар бир мусулмон киши жамият ва одамларнинг бирор корига ярайдиган бирор бир касб-ҳунар этагини тутиши ва бола-чақасини ана шу туфайли қўлга киритиладиган нарсалар ҳисобига едириб, ичириши, кийинтириши, уй-жой солиши лозим.

Ислом сарчашмаларидан сув ичган халқимиз нафақат жисмоний меҳнат кишиларидан, шу билан бир қаторда ақлий меҳнат кишилари —уламою олимлардан, адибу шоирлардан, шайху имомлардан ҳам бирор касб ҳунар соҳиби бўлишни талаб этган. Тарихимизга шу нуқтаи назардан нигоҳ ташласак, қуйидаги ажиб ҳол аён бўлади: маҳабимизнинг асосчиси Имом Аъзам ҳазратлари баззозлик (газламафурушлик), муаллими соний (Арастудан кейинги иккинчи муаллим) дея шуҳрат топган қомусий олим — Фаробий боғбонлик, Шайхур раис деб эзозланган Ибн Сино табибчилик, Шайхул машойих шайх Абу Сайид Харрос этикдўзлик, шоир Саккокий пичоқчилик, шайх Абулҳасан заргарлик, муҳандис Муслим ибн Хажжож савдогарчилик, Ҳожа Баҳоуддин нақшбандлик (кимхобга нақш солиш), шоир Завқий максидўзлик билан тирикчилик ўтказишган, бола-чақа боқишган.

Ҳалол меҳнат заҳмат-машаққатини чекмай, тайёрига айёрлик, нопоклик қилиш — ўғрилик, алдам-қалдам, порахўрлик, таъмагирлик зўравонлик, юлғичлик, фирибгарлик сингари ғирром йўллар билан қўлга киритилган нарсалар ва улардан ёки улар эвазига тайёрланган таом Исломда ҳаром саналади. Чунончи, ҳаромхўрликнинг энг ифлос турларидан бири ҳақида мулоҳаза юритиб, Расулу Акрам (С. А. В.) ўз Ҳадиси шарифларида: Пора олганга, пора берганга ва ўрталарида турганга Аллоҳнинг лаънати бўлсин", — дея дуои бад қилганлар.

Тақвони қаттиқ тутган сўфийлар ҳатто подшолар дастурхонидан тотинишни ҳам ўзлари учун ножоиз билишган. Ривоятларга кўра, Эрон шоҳларидан бири Ҳазрат Баҳоуддин шарафларига зиёфат уюштирибди. Аммо зиёфатга қатнашган ҳазрат шоҳ дастурхонидан лоақал битта нон ушоғини ҳам тотиниб кўрмаптилар. Бунинг сабабини шоҳ сўраганда: "Жаноблари-нинг касблари не?", — дептилар. Шоҳ ҳайрон бўлиб: "Ҳазрат, мен шаҳаншоҳман! Касбим шу!", — дея жавоб қилганда; Ҳазрат: "Шоҳлик касб эмас. Довуд алайҳиссалом ҳам шоҳ, ҳам пайғамбар бўлганлар, лекин хазина пулини ўз эҳтиёжларига сарф этмаганлар. Довуд алайҳиссалом темирчилик қилиб, ўша пулдан кун ўтказганлар. Сизнинг дастурхонингиздаги ноз-неъматлар пешона тери билан топилган пулдан келганда эди, ҳалол ҳисобланарди. Узр, бизга бу дастурхондан овқат тановул қилиш жоиз эмас!", — дея шоҳ зиёфатидан чиқиб кетган эканлар.

Ҳатто ҳалол йўл билан топилган мол-дунё ҳам нисобга етганда ундан тегишли закот берилмаса, кишининг ўша мол-дунёси ҳаром бўлади. Бинобарин, киши ана шу мол-дунёсини истифода қилса, унинг жамики бошқа солиҳ-яхши амаллари, жумладан қилинган тоат-ибодатлари зое кетади, мақбул бўлмайди. Яна бир гап. Билиб туриб қаллоб, қўли эгри одамдан ҳалол пулга олинган ҳамма нарса, жумладан озиқ-овқат масаллиқлари ва улардан пиширилган таом ҳам ҳаром бўлади. Шоҳидларнинг далолат беришича, хулафои рошидинлардан Ҳазрати Умар ибн Ҳаттобнинг хизматкорлари ҳар гап таом келтирганда масаллиғини кимдан олганлигини суриштириб сўнг таомни тановул қилишга киришар эканлар. Бир куни нима бўптию мазкур одатларини тарк этиб, таомдан бир луқма олганларида хизматкор ўзича гапга тушиб, масаллиқни бадкирдикор бир кимсадан харид қилишга мажбур бўлганини сўзлаб қолибди. Буни эшитган Ҳазрати Умар ниҳоятда хафа бўлиб кетибдилар ва унга:

— Сен бундай ҳаракатинг билан мени ҳалоқ қиласан, — дебдилар ва ейилган луқмани қусиб ташлашга уннаб кетибдилар. Не-не азоб билан алалохир ҳалиги луқмани қусиб ташлабдилар. Бу ҳолнинг гувоҳи бўлиб турганлар:

— Шунча машаққат бир луқма учунми, Ҳазратим? — дейишибди. Шунда Ҳазрати Умар уларга қараб:

— Бу ҳаром луқма бир амаллаб чиқди, аммо қанчалик қийин бўлса ҳам, ҳатто жоним халқумимдан чиқиб кетса ҳам, уни чиқариб ташлашим керак эди, — дебдилар ва Пайғамбаримиз (С. А. В.)нинг қуйидаги гапларини эслабдилар: "Бир жасад ҳаромдан тарбия топган бўлса, унга энг лойиқ нарса оташ, яъни дўзахдир, — деганларини ўз қулоғим билан эшитган эдим. Шунинг учун бу луқмани чиқариб ташлаш билан жасадимга етадиган ҳар қандай зарарнинг олдини олдим, — дея якун қилибдилар.

Илоҳи, бизларни ҳам ҳалол ризқлангувчилардан қилгин!

Содиқ АЛИМОВ,
Тошкент

Жустин ГЛАСС:

180 ЙИЛ ЯШАСА БЎЛАДИ

(давоми)

ЖИНСИЙ БЕЗЛАР

Бу безлар бутун организмнинг ҳаёт фаолиятини таъминлаб туриш, шунингдек, жинсий фаолиятнинг тўлақонли бўлиши учун муҳимдир. Истеъмол қилинаётган таомларда зарур моддаларнинг бўлмаслиги жинсий безлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатади ва ҳатто бу нарса фарзанд кўриш қобилиятини ҳам йўқотиб юбориши мумкин.

Жинсий безларнинг эҳтиёжи учун А, С, Е, В дармондорилари керак. Бундан ташқари минерал моддалар, шунингдек қисман темир ва мис, оқсил зарур. Биз тилга олган дармондорилар балиқ ёғи, картошка, кўкатлар, майиз, ёнғоқ,, ловия, тухум сариғи, жигар, карам, помидор, шолғом, кунгабоқар ёғи, буғдой, петрушка ва бошқаларда мавжуд.

ОШҚОЗОН ОСТИ БЕЗИ

Бу без қорин бўшлиғида жойлашган. У инсулин гармонлари ишлаб чиқаради, жигарда ёғ алмашинувини йўлга солиб туради. Ошқозон ости безининг бир меъёрдаги фаолиятини таъминлаш учун қулупнай, карам, тухум сариғи, гўшт истеъмол қилишни тўғри йўлга қўйиш фойдалидир.

М.АБУЛФАЙЗ таржимаси

Дераза

ЧЕГАРАСИ БОР

Перу телевидениесининг ўн биринчи канали кўзда тутилмаган вақтда чекишни тарғиб этгани учун 1700 доллар жарима тўлайдиган бўлди. Мамлакат қонунларига асосан бу ерда кучли спиртли ичимликлар ҳамда сигаретлар кечаси соат 22^{00} дан тонгги 6^{00} гача реклама қилиниши мумкин. Бироқ, ўн биринчи канал сигарет рекламасини 21^{50} да белгиланган муддатдан 10 минут олдин бошлаб юборган эди.

Ушбу канал хусусий бўлиб, Перу пойтахти мэри Рикардо Белмонтга тегишли бўлганлиги учун бу воқеа яна ҳам катта можарога сабаб бўлди.

ТЎҒРИ ГАПНИ АЙТАДИ

АҚШ бош врачи Жойселин Элдерс Си-Би-Эс телекомпаниясига интервюсида никотинни наркотик деб ҳисоблаш учун етарли асос бор деб баён этди. Хонимнинг эътироф этишича, сигарет чекувчилар учун ушбу моддани етказиб берувчи "воситадир". Одамлар чекиш уларни ўлдиришини билиши керак. Ҳар йили 435 минг киши чекиш оқибатида ҳаёт билан видолашади. Шу боисдан бундан буён тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг савдосини АҚШ федерал органларининг қатъий назорати остига олиш керак.

Чекишга қарши курашдаги биринчи тадбир матбуотда ва телевидениеда сигарета рекламасини мутлақо таъқиқлашдан иборат бўлмоғи лозим, деб ҳисоблайди Элдерс хоним. Бу фикрга қўшилмасдан бўлмайди.

ҲАЙДОВЧИГА ТАЪЗИМ ҚИЛИШАДИ

Нижний Новгород автобус ҳайдовчилари ўзларига жуда қизиқ эрмакни ўйлаб топишди. Истаган нарсани "жойида қотирадиган" суперелим сотиб олган 2-автобус ҳайдовчиси ҳамшаҳарлари билан ҳазиллашмоқ мақсадида улови зинаси тепасига 50 рублик тангани елимлаб қўйди. Автобусга чиққан борки, тангага бир энгашиб олади. Унинг 38-автобусдаги ҳамкасби эса юз рублик тангани ҳам аяб ўтирмади. Ҳайдовчиларга таъзим қилувчи йўловчилар сони икки баробар кўпайди, эрмакталаб ҳайдовчилару, томошаталаб йўловчиларнинг бундан кун бўйи оғизлари қулоғида.

АЛДАНИБ ҚОЛМАНГ

Ҳозир нима кўп — фирма кўп. Уларнинг аксарияти нима юмуш билан машғул — бандасига қоронғу. Москвадаги ана шундай фирмалардан бирининг бошлиғига нисбатан Москва жиноят қидирув бошқармаси томонидан жиноий иш қўзғатилди. "Импулс-Инвест" деб номланган мазкур фирма бор-йўғи ярим ой ичида фуқаролардан қарийб икки миллиард рубл тўплаган, бироқ банкдаги ўз ҳисоб рақамига унинг бир тийинини ҳам ўтказмаган. Бир ярим миллиард рублдан ортиқроқ пулни ҳширинча чет элга ўтказиб олишган.

Қизиғи, акциячилар жамияти бир кишининг номига рўйхатга ўтказилган бўлиб, унинг бундан мутлақо хабари йўқ экан. Иккинчидан, фуқаролар билан олди-берди юзасидан бевосита шартнома тузиш учун масъул шахс — ушбу жамият директори ўғирланган паспортни кўрсатиб, бошқа исми шариф билан иш олиб борган. Яъни "Импульс-Инвест" нафақат сохта фирма, унинг эгаси, ижрочи директори ҳам сохта бўлган. Дарвоқе, "фирма" шарманда бўлгандан икки ҳафта кейин ҳам Россия телевидениеси ва бир қанча газеталарда "Импульс-Инвест" рекламаси берилган.

Оила

44 ёшда

Жиззах вилояти, Дўстлик туманида истиқомат қиламан, маълумотли олий, хўжаликда бош иқтисодчи бўлиб ишлайман, ичмайман, чекмайман, бўш вақтларимда газет-китоб ўқишни яхши кўраман, вафодорман. Фарзандли бўлса ҳам тарбияли, уйим-оилам дейдиган, ҳаётимга ёруғлик, нафислик олиб кирадиган оқила аёл билан танишиб, турмуш қуриб, тинч-хотиржам яшаб, бола-чақали бўлиш, уларнинг роҳатини кўриш умидидаман." Оила-302."

32 ёшда

Сурҳондарё вилояти Ангор туманида яшайдиган, меҳнаткаш, тўғрисўз, уйим-жойим дейдиган, уста, олий маълумотли йигит (биринчи турмушидан кўнгилсизлик туфайли ажрашиб кетган), ёши 20-24 лар орасида бўлган, камтар, меҳрибон, сабр-тоқатли, пазанда, зиёли оиладан бўлган тожик ёки ўзбек қизи билан танишиб, уни бир умрга бахтли қилиб яшаш орзусида. "Оила-303".

Р. АЛЬБЕКОВ сурати

ТАБРИКЛАЙМИЗ

ЖАСУРЖОН! Туғилган кунинг қутлуғ бўлсин. Сенга худойимдан узоқ умр, соғлиқ, бахт-саодат тилаб, аканг УЛУҒБЕК.

***

Хонадонимизнинг фаришташаси ФОТИМАХОН! Сизни 24 баҳорни қаршилашингиз билан барча оила аъзоларимиз чин юракдан табриклаймиз. Фотимахон — бир умр шундай гўзал, дилбар бўлинг. Болаларингизнинг орзу-ҳавасини кўриб, роҳат-фароғатда яшанг, деб умр йўлдошингиз Нортожи УМИРОВ, қайнонангиз Улашой, қайнсингилларинизи ЎРАЛОЙ, НОРХОЛОЙ. Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани.

***

Суюкли укамиз Қайнаров ЖЎРАБЕК! Сени 16 апрел туғилган кунинг билан табриклаймиз. Сенга узоқ умр, ширин ҳаёт тилаймиз. Доимо қадаминг қутлуғ бўлиб, келгусидаги ишларингда омад ёр бўлсин. Ҳурмат ва эҳтиром билан опаларинг: АДИБА, ҲУСНИЯ.

***

Сингилчаларимиз ЛОЛАХОН ва ШОҲИСТАХОН! Биз сизларни яқин кунларда бўладиган туғилган кунларингиз билан муборакбод этамиз. Сизларга бахт-саодат, олам-олам шоду хуррамлик тилаймиз.

Акаларинг РАВШАНЖОН ва АҲМАДЖОН.

***

Ширин-шакар набираларимиз ШАМШИРЖОН, РУСЛАНЖОН ВА САЁҲАТХОН!

Сизларни яқин кунларда кириб келаётган туғилган кунларингиз билан табриклаймиз. Тилагимиз: шоду хуррам, соғлом-бақувват вояга етиб, келажакда баркамол, бахтли-тахтли инсон бўлиб етишинглар. Оллоҳим сизларни доимо ўз паноҳида асрасин, деб БУВИНГ ва БОБОНГ. Бухоро вилояти, Жондор тумани.

***

Ўғлим МУРОДЖОН! Сени яқинлашиб келаётган 19 апрел таваллуд топган кунинг билан самимий табриклаймиз. Сенга боқий умр, бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, аъло кайфият, бундан кейинги ишларингда каттадан-катта муваффақиятлар тилаймиз. Оила аъзоларимиз номидан онанг МУҲАРРАМХОН.

***

Қадрли ва ҳурматли устозим ТЎРАҚУЛ ака БЕРДИЕВ!

Сизнинг 34 йиллик жарроҳлик фаолиятингиз, вилоят касалхонаси бош шифокори сифатидаги 28 йиллик иш тажрибангиз ғоят ибратлидир. Тўрақул ака, биз бугун сиздек ажойиб инсонни севимли газетимиз "Оила ва жамият" саҳифаси орқали 58-баҳорингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Бундан кейин ҳам узоқ йиллар шундай навқирон бўлинг, халқимиз хизмати йўлида ҳеч толманг. Шогирдингиз АБДУХОЛИҚ ҲАЙИТОВ. 1-тоифали жарроҳ.

Сурхондарё вилояти.

***

Азиз волидаи муҳтарамамиз Олима ВАҲОБ қизи ва падари бузрукворимиз МИРПЎЛАТ Мирқосим ўғли! Сизларни таваллуд кунларингиз билан табриклаймиз. Сизларга тан-соғлиқ, хотиржамлик, узоқ умр тилаймиз. Доимо биз фарзандларингиз роҳатини кўриб юринг, деб қизингиз БАРНО, ўғлингиз АКРОМ ва НЕВАРАЛАРИНГИЗ.

«Оила ва жамият» 13 (136)

МЕН СЕВГАН ОЖИЗАЛАР

Умумтурк адабиётида мен учун севикли бўлган икки ожиза тимсоли бор. "Ожиза" дея аташим аслида жуда нисбий — уларнинг бошига тушган савдо-ю шўришлар не-не алпларни-да изтироб исканжасига олган, умидсизлик чоҳига судраган бўлурди. Аммо "ожизалар" ҳайрон қоларлик журъат, собитлик билан ўз бахтлари учун курашадилар. Бири туҳмат қурбони бўлган отаси ва завжини озод этиш учун хон саройига ташрифдан тап тортмаса, иккинчиси сокин муаллимлик касбини иккиланмай ҳарбий касалхона ҳамширалигига алмашади.

Мен кимларни назарда тутаётганлигимни балки сезгандирсиз? Албатта, Абдулла Қодирийнинг Кумушбибиси ва турк адиби Рашод Нури Гунтекиннинг Чолиқуши — Фарида. Икки буюк рўмон — "Ўткан кунлар" ва "Чолиқуши"ни ўқирканман, ҳар гал Фарида ва Кумушбибининг гоҳ шод, гоҳ маъюс

сиймолари кўз олдимда гавдаланади. Ўйлаб қоламан: уларни нима бирлаштириб, нима айри этади? Дейлик, Кумушнинг ўрнида Фарида нима қилган бўларди-ю, Чолиқуши ҳолига Кумуш тушганда не бўларди? Қуйидаги кузатишлар шу хаёл, таққослар меваси дир.

"ҚИЗ СУРАТИДА КЎРИНГАН МАЛАК"

"Ўткан кунлар" ва "Чолиқуши" қаҳрамонларини бирлаштириб турувчи илк аломатлардан бири — уларнинг бенихоя гўзаллигидир. Муаллифлар гўзаллик таърифида турли йўлдан борадилар. Қодирий Кумуш сувратини чизаркан, Шарқ адабиёти учун анъанавий бўлган ўхшатиш, ташбеҳларга кўпроқ мурожаат этади:

"Унинг қора зулфи пар ёстиқнинг турлик томонига тартибсиз суратда тўзгиб, қуюқ жингила кипрак остидаги тимқора кўзлари бир нуқтага тикилганда, нимадир бир нарасни кўрган каби... қоп-қора камон, ўтиб кетган нафис, қийиг қошлари чимирилганда, нимадир бир нарсадан чўчиган каби... тўлган ойдек ғуборсиз оқ юзи бир оз қизиллиқ ва ранг-да, кимдандир уялган каби..."

Саҳифадан-саҳифага ўтар экансиз, "қиз суратида кўринган малак"нинг бундай сержило чизгиларига кўп дуч келасиз. Кумушнинг ботиний гўзаллиги билан бир қаторда зоҳирий чиройи қайта-қайта таъкид этилади:

"Қизлар ипка чизилган гулдек уй теварагини олганлар, бунинг устига ёвошлиқ, ўйчанлик уларнинг тусларига маънавий бир ҳусн ва жиддият бериб, бирга юз ҳусн қўшкан эди. Агар биз шу кезда заршунослик учун енг шимарсак, яъни гулни-гулдан ажратадурган бўлсак, боягидек эсанкираб, мутарраддид қолмаймиз, чунки Кумушбиби лолалар ичидаги бир гул ва ё юлдузлар орасидаги тўлган ой эди".

"Чолиқуши"да тасвир ўзгача равишда. Фариданинг гўзаллиги, не ажабки, ўз тилидан ҳикоя қилинади. Ўз ҳуснига ўзи тан берган паривашни учратганмисиз?

"Мен ойнакдаги қизга бегона одамга қараётгандек, уялиб-қизариб қарардим. Модомики, хотира дафтаримни мендан бошқа ҳеч ким ўқимас экан, нега энди ҳақиқатни эътироф этмайин? Ойнакда менга қараб кулимсираб турган қиз ниҳоятда гўзал эди. Диққат билан қараганимда, у менга инсоннинг ақлини шошириб қўядиган даражада гўзал кўринди".

Ўз малоҳати ҳақида самимий сўзлаётган Фарида "ақлни шошириб қўярлик" чиройи бошига не-не маломатлар келтиришини билармикин? "Чолиқуши" етмаганидек, "гулбашакар" дея янги лақаб тақайдилар, у билан гўёки яқинликларини исбот этиш учун гаров ўйнайдилар, йўқ иллатларда айблаб, кентма-кент, қишлоқма-қишлоқ кўчиб юришга мажбур этадилар.

Кумушнинг қисмати ҳам мақтангулик эмас. "Қиз суратидаги малак"ка разил Ҳомиднинг "ишқи" тушади.

СЕВГИ ТАРИХИ

Кумуш ва Фариданинг севиш-севилиш тарихлари бир қизиқ. Фарида ниҳоятда шаддод, болаларча ўйноқи қиз. Мактабдош дугоналарининг "севги, муҳаббат" дея оҳ-воҳ уришлари унинг кулгусига сабаб бўлади. Буни Фариданинг ўзи ҳам тан олади: "Мабодо қизлардан биронтаси қўшни йигит билан боғча панжараси орқали гул олиб-беришганини кўрдимми — бўлди, боғчада дарров айюҳаннос кўтараман. Начора, бундай нарсаларга жуда ўч эдим".

Шу қилиқлари учун бўлса керак, Фаридадан ҳеч ким ишқий можаролар кутмайди. Бироқ, дугонаси Мишелнинг севги бобида "саводсизлиги" ни таъна этиши мағрур Чолиқушининг нафсониятига тегади ҳамда навбатдаги ёлғонга сабаб бўлади — у ошиқ! У холаваччаси Комронни севади, шубҳасиз, Комроннинг ҳам унга майли бор. Фариданинг олдига бот-бот келиб турувчи Комрон янги ролга жуда муносиб эди. Чолиқуши дугоналари учун "Лайли-Мажнун" саҳнасини қўйишдан чарчамайди. Тақдир ўйинини қарангки, фурсат ўтган сари ҳазил чинга айланиб, бир вақтлар "дунёда энг жини суймаган инсон" — Комронга қандай кўнгил қўйганини ўзи ҳам сезмай қолади.

Кумушнинг ишқий туйғуси оний севги, тўпори тил билан айтганда, "бир кўришдаги муҳаббат" билан бошланади. Кумуш бу оний муҳаббатига шу қадар содиқки, ҳатто унинг учун "азага айланган" тўйда хабарсизлиги сабаб аввалига "душмани" — Отабекка илтифотсизлик қилади. Кўргач, танигач эса ўзини ҳаяжон, севинчдан тутолмай, беихтиёр "Сиз ўшами?" дея энтикади. Отабекнинг қувончи ҳам Кумушникидан ортиқ бўлса ортиқки, асло кам эмас. Чунки унинг-да "қайғулик кечалари тугаб, ойдинлиқ ва шеъриятлиқ кунлари" бошланганди. Қодирий Отабек ва Кумушнинг етишувларига қисқа, лўнда хулоса ясайди-кўяди: "шундай қилиб, икки ёшнинг биринчи ҳам соф муҳаббатлари қовишиш билан натижаланади".

АЛАМЛИ МАКТУБЛАР

Фарида ва Комроннинг ҳам масрурликларига чек йўқ. Ниҳоят, Комрон тўрт йиллик чет эл сафаридан қайтди. Хонадонда тўй тараддуди: таклифномалар ёзилган, Фарида ўзига келинлик либосларини ўлчатган, хуллас ўқувчи "Ўткан кунлар" даги каби висол онларини сабрсизлик билан кутади. Афсус, ўқувчининг кутганлари пуч — воқеалар ривожига "қора кучлар" тўғаноқ бўлади.

Тўйга уч кун қолганда Фаридани йўқлаб, бир хоним келади. У Комроннинг чет элдаги турмуши ҳақида баъзи маълумотлар беради ҳамда мактуб кўрсатади. Мактуб Комрон томонидан шу хонимнинг дугонасига аталган бўлиб, "менинг сариқ гулим" дея бошланарди...

"Ўткан кунлар"да "қора куч", тўғироғи Қоработир сифатида Ҳомид гавдаланди. Икки хотинга қаноатланмаган Ҳомид янги ўлжа пайига тушган. Отабекнинг Кумушбибига уйланиши унга қаттиқ зарба бўлади. Рақибини орадан кўтариш учун у Отабек ва қутидорни давлатга қарши исён кўтаришда айблаб, қўрбошига чопади. Фақат "нажот фаришталари" — Кумушнинг зукколиги туфайлигина отаси ва завжи дор остидан қайтадилар.

Туҳмат маълумоти учун сал бўлмаса ўзи чоҳга қулаётган Ҳомид янги режасини пухта тузади. Бу гал унга Отабекнинг Тошкентдан уйланиши қўл келади. Ҳомид Отабек номидан сохта талоқ хати ёзиб, Кумушга киргизади...

Фарида ва Кумуш бошида бир хил фожеа: уларга севиклилари "хиёнат" этган. Фарқи — бири тўйдан олдин, иккинчиси тўйдан кейин. Хўш, қаҳрамонларимиз қандай йўл тутадилар?

Чолиқуши уйдан бош олиб кетишни бирдан-бир чора деб билади. Унинг Комронга қолдирган мактуби қисқа, кескин, бешафқат:

"Комронбей афанди. "Сариқ гул" романини бошидан охиригача тушиردик. То ўлгунимизча бир-биримизни кўриш йўқ. Сендан нафратланаман".

Кумушнинг Отабекка йўллаган номасида ҳам алам, оғриқ оҳанглари бўлсада-да, аммо Фариданики каби кескин, нафратомуз эмас. Бильакс, Кумуш "талоқ қўйган" завжига аввалгидай "бегим" дея мурожаат этади, "тарчи аччиглансангиз ҳам" дея сўз бошлайди, "Кумуш эмас, Тупроқбиби ёздим" дея хокисорона тугаллайди.

Бу мактубларни олган икки йигитнинг ҳолатини тасаввур этиш қийин эмас. Отабек ҳам, Комрон ҳам айбсиз эканликларини исботлаш учун ўзларини тўрт томонга урадилар, севги, ҳарорат тўла жавоб хатларини йўллайдилар, аммо бекор: Фарида изсиз йўқолади, Кумуш эса қутидорнинг куёвини ҳайдаб солиши туфайли ҳақиқатни билишдан маҳрум бўлади.

КОМРОН ФАРИДАГА МУНОСИБМИ?

Рўмонлардаги воқеаларнинг кейинги ривожи ўқувчиларга маълум: Фарида узоқ муддатга чўзилган, ҳаётида туб ўзгаришлар ясаган саргардонликлардан сўнг алал-оқибат холасининг хонадонига, бир пайтлар ўзи бош олиб кетган уйга келади. Тўғри, меҳмон сифатида. Бироқ, тақдир уни яна Комронга рўбарў этиши учун шу тасодифнинг ўзи кифоя эди.

Отабекни Кумушнинг шаъни учун курашиб, тенгсиз олишувда душманларини мавҳ этган жасур қаҳрамон тарзида кўрамиз.

Отабек ва Кумушнинг яна "чин шодлиқ" кунлари келгандай. Аммо бу гал фожеа келтирувчи учинчи одам сифатида Зайнаб намоён бўлади: Кумуш кундоши берган заҳардан ҳалок бўлади. Кўп ўтмай Отабек ҳам чор аскарлари билан бўлган жангда шаҳид бўлади. Ҳайдаб юборилган Зайнаб эса руҳий хасталикка чалинади.

Икки рўмонда икки хил якун: бирида қаҳрамонлар худди эртаклардагидек мурод-мақсадларига етадилар, иккинчисида эса фожеали ҳалок бўладилар. Назаримда, бундай якун Қодирий ва Гунтекин реализмининг мезони бўлгудек. Яъни "Ўткан кунлар" "Чолиқуши"га нисбатан ҳаёт ҳақиқатига яқинроқдай. "Чолиқуши"даги асосий қаҳрамон — Комрон ҳам Отабекдай эмас. Ҳатто у бир қаращда Фаридага муносиб эмасдай туюлади...

Бу хулосалар барибир икки рўмонни ҳам бирдай севишимизга тўсиқ бўлолмайди. "Ўткан кунлар" каби "Чолиқуши" ҳам ўзбек ўқувчилари орасида катта муваффақият қозонди, қайта-қайта нашр этилди. Бу икки буюк асар келгусида ўқувчиларни худди ота-боболари каби ҳаяжонлантиради, китоб саҳифалари узра кўзёш тўкишга мажбур этади. Бунга ҳеч бир шубҳа йўқ.

Азиз АБДУВАЛИ

ҚИШЛОҚДА ҲАЁТ ҚАНДАЙ?

СУҲБАТДОШИМ ТАЙЛОҚ ТУМАНИДАГИ САИДНАЗАРОВ ДАВЛАТ ХЎЖАЛИГИ ҚИШЛОҚ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ СУРАТ ҚЎЗИЕВ.

— Ҳозир ўтиш даврида-миз. Қийинчиликлар бўлиши ҳам табиий ҳол. Ёрдамга муҳтож кишилар, оилалар ҳам мавжуд бўлса керак. Улар кўпми?

— Хўжалигимизнинг аҳолиси охирги ҳисобимиз бўйича 10700 киши. Шулардан 13 оила ёрдамга муҳтож. Уларни эътиборсиз қолдирганимиз йўқ, албатта.

— Қандай ёрдам кўрсатаяпсизлар?

— Хўжалигимизда Ҳусан Ҳамроев, Меҳримомо Яхшиева исми шарифли фахрийларимиз бор. Уларнинг эски уйларини янгилаб бердик. Яна бир фахрий ўқитувчимиз Мустафо Назаровнинг уйлари (давлат уйида турадилар) шахсий қилиб берилди. Шунингдек, саноғи тилга олинган муҳтож оилаларга байрамлардаям совға-саломлар, моддий ёрдамлар уюштиряпмиз. Бу ишлар хўжалик раҳбарияти, ишчи қўмиталари билан биргаликда баҳамжиҳат амалга оширилляпти. Яқинда шартнома асосида Хоразмга бориб ўз маҳсулотимизга гуруч алмаштириб келдик ва халқимизга тарқатдик. Апрел ойидаям шундай ишларни амалга ошириш ниятидамиз.

— Гап озиқ-овқат масаласига келиб тақалди. Оилаларда сут қаттиқ етарли деб ўйлайсизми!

— Қишлоқда оилаларни сут-қатиқ билан таъминлаш дегани, кўпинча уларнинг чорвасига ем-хашак бериш деган гап. Шунинг учун хўжалик аҳлига 400 тонна хашак, силос берилди.

— Ўтган йили сизларда ҳам анчагина хўжаликларга иморат қуриш учун ер берилган бўлса керак. Табиийки ҳозир иморатни ўз-ўзидан қуриб бўлмайди. Қурилиш жиҳозлари тақчил...

— Саволингизга тушундим. Имкониятимиздаги барча ёрдамни беряпмиз. Ёғоч бердик. 500 тоннага яқин цемент берилди.

— Хўжалик хонадонлари газлаштирилганми!

— Хўжалигимизда еттита қишлоқ бор. Шу йилнинг ўзида 27 км.лик газ ўтказилди. Бир қишлоғимизда газлаштириш ниҳоясига етиш арафасида. Кейин навбат охирги қишлоққа келади.

— Ҳозирги саволим мавзумизга алоқадар эмасдек кўринсада, лекин унга узвий боғлиқ деб ўйлайман. Асосан иқтисодий аҳволнинг оғирлиги сабаб Ўрусияда оила қурадиганлар сони жуда камайиб кетибди. Оила қуриш бўйича бизда кўрсаткичлар қай аҳволда!

— Ўзбекчиликда уйланиш масаласига оврўполиклар нигоҳи билан қаралмайди. Мусулмончиликда эса қандай шароитда бўлмасин оила қуриш фарз қилинган экан. Киши оила қургач, серҳаракат бўлади дейишади ва албатта бу гапнинг моҳиятида катта маъно бор. Аниқ сонларга келсак, ўтган йили хўжалигимизда 107та никоҳ тўйи бўлди.

— Ажрашишлар бўлмадими!

— Афсуски, уч жуфтлик бузилди. Кимлардир яна оврупаликларга қиёс қилиб кам дейиши мумкин. Лекин биз учун шуям кўп деб ўйлайман.

— Ҳозир ўтиш даврида-миз. Қийинчиликлар бўлиши ҳам табиий ҳол. Ёрдамга муҳтож кишилар, оилалар ҳам мавжуд бўлса керак. Улар кўпми!

Ҳ. ОМОНОВ суҳбатлашди

«ЖАҲОН БОЗОРИГА ЧИҚАМИЗ»

Тошкент чинни заводига биринчи бор кириб, ҳафсалам пир бўлганди. Шундай номи чиққан завўд жимитдай ерда жойлашган экан деган маънода. Кейин билсам, чиннисозларнинг асосий иш жойи ичкарида, чет кўзлардан яширин экан. Завўд маъмурияти жойлашган бинони ҳам ўша ердан топдим. Мақсадимни айтганим ҳамоно, котиба қиз касаба уюшмаси раисига учрашимни тавсия қилди. Раис — Эҳсон Ориповни тўртинчи қаватда учратдим. Раиснинг хонасиҳақиқий касабачининг иш жойи — бир четда боғламбоғлам папирослар, бир четда гиламлар.

— Буларнинг ҳаммаси ишчиларга тарқатиш учун олиб келинган, — изоҳ берди Эҳсон ака. — Кўпчилигини бартер орқали олганмиз. Мана шу гиламлар кўчада 50-60 минг туради. Бизга эса 28-30 мингдан тушяпти. Чиқарган маҳсулотимизнинг ўн-ўн беш фоизини бартер учун олиб қоляпмиз. Ҳозир қуруқ пул билан иш битириш мушкул. «Юлдуз» билан шартномамиз бор, костюм-шим оляпмиз. У ҳам дўкондагидан анча арзон тушади. Жамоа хўжаликлари завўд дўконларига йил бўйи мева-сабзавотлар етказиб туришибди.

— Завўднинг дўконлари кўпми!

— Жа кўп бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда, завўд ҳудудидан чиқмай анча ишингизни битиришигиз мумкин. Пойабзал дўкони, сартарошхона, соат тузатиш устахонаси, жамғарма банки ишлаб турибди. Нонвойхонамиз бор-эрталаб етти-саккизга, ишчиларнинг келиш пайтига нон тайёрлаб туради. Ҳам арзон 5 сўмдан. Яна нима қолди? Ҳа, айтганча, тиббиёт бўлинмамиз ҳам бор.

— Завўдда соғлиқ учун зарарли цехлар бор экан!

— У ерда ишлайдиганларга ҳар куни сут тарқатамиз. Маошлари ҳам кўпроқ. Кўшни маҳаллада спортчиларнинг дам олиш уйи бўларди, «Буревестник» деган. Бир йил бўлди, сотиб олганмиз. Хоҳлаган пайтлари таътилга чиқиб ўша ерда дам олишлари мумкин.

Маълумот: *Завўдда ўртача иш ҳақи 8—12 минг атрофида. Бироқ, маош доимий эмас, бажарилган ишга қараб кўпайиши ёки камайиши мумкин. Маошга қўшимча овқат пули, транспорт пули ҳам берилади. Транспорт пули бир кунга 10 сўмдан, узоққа қатновчиларга махсус автобус ажратилган. Завўд ошхоналаридаги нарх эллик фоизга арзонлаштирилган. Кўпи билан 30—40 сўмга яхшигина овқатланиш мумкин. Шунга ҳам ярим пулини берилади, қолганига — талон.*

— Аҳолида сизларнинг маҳсулотингизга талаб катта. Чинни, пиёлалар дўконларда дарров талаш бўлиб кетади. Айниқса, чекка жойларда. Лекин баъзан «шу нарсаниям нархи жа қиммат бўлиб кетди, битта пиёлача фалон пул» деган гапларни ҳам эшитиб қоламиз.

— Биз маҳсулотимизга атайлаб баланд нарх қўймаймиз. Нарх белгилашда шу маҳсулотнинг завўдга қанчага тушаётгани, яъни таннархига қаралади. Бизнинг соҳа деярли бутунлай чет етказиб берувчиларга боғлиқ. Масалан, тупроқ, каолинни Украинадан, карборунд плиталарни Россиядан, кварц қумини Тожикистондан оламиз. Улар қандай нарх қўйса, шунга кўнишга мажбурмиз. Яқинда Самарқанддан пегматит, гипс топилди. Зора, вақти келиб ҳамма хомашёни ўзимиздан олсак.

— Ишчиларингиз орасида уй-жойга навбатда турганлар кўпми!

— 102 киши бор менинг рўйхатимда. Бизни қийнаб турган асосий муаммо ҳам шу. Уй-жой олиш ҳозир ниҳоятда қийин. Завўд ишчилари учун алоҳида уй сотиб олмоқчимиз, лекин ҳозирча бунинг имконияти бўлмай турибди.

Маълумот: *Қорақамиш даҳасида завўднинг 280 ўринли боғчаси бор. Боғчага навбатда турганлар йўқ. Ишчилар болалар учун тўлаётган пулни рамзий десак ҳам бўлар — ойига 16 сўм. Кумушкондаги оромгоҳ билан шартнома тузилган — ишчилар қишин-ёзин бориб дам олишлари мумкин. Йўлланманинг саксон беш фоиз харажати завўднинг бўйнида.*

— Ҳозир йирикроқ корхонада, завўд борки, чет элга чиқишга, жаҳон бозорида маҳсулотини намойиш қилишга интилмоқда. Сизларда ҳам шундай режалар борми!

— Мутахассисларимиз ҳозир шу йўналишда иш олиб боришяпти. Албатта, хорижга чиқиб, ўзбекнинг чиннипиёласини кўз-кўз қилишга нима етсин!

А. АЗИЗОВ

Бош муҳаррир:
Абдуҳошим ИРИСБОЙ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Қулман ОЧИЛ
Жуманазар БЕКНАЗАР
Дадахон ЁҚУБОВ
Муҳаббат ИБОДОВА
Тўлқин ҲАЙИТ
Юсуф ЗИЁД
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ботир ЭРНАЗАР
(масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бахтиёр ЭГАМБЕРДИЕВ
Қувондиқ БЕРДИЁРОВ
Рўзимат САФОЕВ
Абсалом УСАНОВ
Ўрол ЎЗБЕК
Асқар АЛЛАБЕРДИЕВ
Абдумуталлиб РИЗОҚУЛОВ

Таҳририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар «Оила ва жамият»дан деб кўрсатилиши шарт.

Газетамиз ҳомийлари — Тошкентдаги СЭВИЖ тижорат жамияти, Ғаллаорол туманидаги «Ғаллаорол», Сирдарё «Оқ олтин» дон маҳсулотлари корхонаси

МАНЗИЛИМИЗ:
700029, Намойишлар хиёбони, 1-бино.
Телефон: 39-43-95
Обуна индекси 64654
Рўйхатга олиш № 000080
Буюртма № Г-141
46.298 нусхада чоп этилди
Офсет усулида босилди, Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти маҳкамасининг Ишлар Бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Инсон бежиз қўшиқ сари интилмайди. Одамзотнинг бор дарду ҳасратини олис-олисларга элтиб, кўнгил кўзгусига тиниқлик ато этишга қодир у. Ўзбек миллий қўшиқчилигида ўз мактабини ярата олган, Ўзбекистон халқ артисти Ортиқ Отажонов куйлаганда ана шу мўъжизакор куч-қудрат зоҳир бўлади қўшиқда. Уни ёшу қари севиб, берилиб тинглайди.

Ортиқ аканинг оиласи ўзига хос санъаткорлар жамиятига ўхшайди. Бу жамиятда санъатга даҳлсиз одам йўқ. Олти ёшли Алишернинг ҳам маълум санъати бордай.

ТОРИДА НОРИ БОР ХОНАНДА

— Бироз қизиқ туюлиши мумкин,— дея ҳикоя қилади санъаткор. — Акам Сафарбойга отам раҳматлик Эрон давлатининг Машҳад деган шаҳридан шу ерларга келиб қолган Шермат исмли араб кишининг авлодларимиз деган экан. Болалигим Боғотда ўтди. Отам балиқ овлаш билан бирга пода ҳам боқар эдилар. Шу туфайли мен ҳам кўп йиллар мол боққанман. Қўшиқчиликда эса Комилжон уста (у уста деб К. Отаниёзовни атайди. Ҳ. Э.) ашулаларини хиргойи қилиб илк қадам ташлаганман.

— Сиз ҳақингизда: Хоразмда данғиллама иморат солибди. Ўтган йили кўчиб ҳам кетибди, деган гап-сўзлар юрибди...

— Ҳаммаси аллақандай зўравон гуруҳларнинг машинамни, сўнг қизимни гаровга олиб катта пул талаб қилгани ҳақидаги кўз кўриб, қулоқ эшитмаган миш-мишлардан бошланган. Эмишки, ўша муштумзўрлар мени оилам билан Тошкентдан чиқиб кетишимни буюришган ва Сиз айтгандай...

— Демак, асоссиз экан-да ҳаммаси!

— Бўлмаса-чи. Аммо, бу кимга фойда берган, билмадим. Ёмонлик қилишнинг ҳам йўли кўп экан. Бировга ёққанмиз, бировга йўқ. Сўнгги тўрт-беш йил ичида ойнаи жаҳон ва радиода камнамо бўлиб қолдим. Телевидениедаги баъзи «акаларимизга» бу жуда қўл келиб, менга келганда, ана шу гап-сўзларни рўкач қилишарди. Мана у кунлар ҳам ортда қолди.

— Келинг, суҳбат кайфиятини бироз ўзгартирайлик. Назаримда ёш хонандаларимиз қўшиқчилигимизда миллий анъаналарга эътиборни камайтирдилар...

— Яқинда бизнинг иштирокимизда ана шу мавзуда телекўрсатув ҳам тайёрланган эди, хабарингиз бўлса. Мен ёш қўшиқчиларимизнинг замонавий мусиқаларда куйлашларига хайрихоҳман. Аммо улар миллий мусиқа санъатимиз билан ҳам таниш бўлишлари шарт. Истардимки, ўзбек куйлаганда мусиқасиданоқ хонанданинг ўзбек эканлиги маълум бўлсин. Афсусланарлиси, кўп ёшларимизда миллий ашулачилик ҳақида тушунча йўқ. Мафтункор, нафис ва гўзал санъатимизни келажак авлодга етказиш эса улар зиммасида. Шундай экан, санъаткорга раҳбар шарт эмас, дейдиганларга қўшила олмайман. Қайсидир маънода изга солиб, вақтида рағбатлантириб керак пайтда камчилигини кўрсатиб, маслаҳат берувчи назоратчи ижодий маҳкамами, қўмитами керак. Ҳаминқадар куйловчининг тингловчи савиясига таъсирини ҳам унутмайлик-да! Қўшиқ айтиш енгил-елпи пул топиш эмас, табиат берган иқтидор, неъмат меваси сифатида англаб етилиши зарур!

— Кейинги авлод хонандаларнинг қайси жиҳатларига қараб баҳо бериш керак, деб ўйлайсиз!

— Кўпинча, оҳанг, куй танлашлари ёқади уларнинг. Аммо истеъдоди масаласида кўпроқ классик қўшиқларни ижро этиш маҳоратига қараб баҳолагим келади. Шунда уларда санъатга меҳр, муҳаббат шаклланган бўлади.

— Хўжалик ҳисоби деган ибора онгимизга синга бошлаган кезларда баъзи атоқли санъаткорларимиз орасида шу йўлга ўтсак, сараланиб қолардик, деганлари ҳам бўлди. Сиз ҳам шу тарафдамисиз!

— Қўшиқчиликни енгил-елпи ҳаёт намунаси дейдиганлар нотўғри ўйлайдилар. Бугун чиқаётган юзлаб ёш хонандаларнинг ҳаммаси ҳам келажакда эл суйган қўшиқчи бўлиб кетавермайдилар. Вақти келиб ўз-ўзидан сараланиб бораверади. Назаримда, ҳақиқий санъаткорни сунъий йўл билан халқдан узоқлаштириб бўлмайди, уларга халқнинг ўз баҳоси бўлади.

— Қўшиқчи санъаткорларнинг бир-бирига муносабатларида, назаримда, кўпинча самимийлик, ҳурмат етишмайдигандек!

— Ҳасад, кўра олмаслик сингари одатлар ҳамма жойдаги каби ижодда ҳам катта офатлар гарови. Баъзан учрайдиган ана шу тоифа муомалаларимизда қутулсак дейман. Ўзаро алоқалардаги бу иллатлар санъаткорлар ҳақида турли миш-мишлар, бўлмағур латифалар туғилишига олиб келади.

— Сиёсатга тобингиз қалай!

— Чумчуқни ҳам қассоб сўйсин.

— Матбуотга муносабатингиз!

— Кўпроқ шеърларни топиб ўқийман, санъат ҳаётига оид мақолаларни ҳам.

— Кечирасиз, келинойимиз билан таништирмадингиз!

— Гулсарахон ҳам Хоразмдан, ҳозир болалар боғчасида ҳамшира бўлиб хизмат қилади. Мана, биргаликда тўрт фарзандни вояга етказяпмиз. Тўрт неварамиз ҳам бор.

— Ўғлингиз Зокирга келинни Сиз танлаганмисиз!

— Улар севишиб турмуш қурдилар. Келин менга маъқул тушган.

— Оилангизда қаттиққўлмисиз!

— Ота — оила кўзгуси. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракати, муомаласи, ўзини қандай тутиши фарзандларида катта из қолдиради. Шундай экан, гоҳида қаттиққўллик ҳам керак. Фарзандларимнинг ҳар бир масалада ақл билан иш тутишларини истайман. Болаларимнинг, набираларимнинг ҳаммасига ўзим исм қўйганман. Уларнинг ҳаммаси қўшиқчи бўлишини жон-жон деб истайман.

— Ўзингизга ёқмаган одатларингиз борми!

— Баъзан ичимдаги гапни вақтида айтолмай қоламан. Тортинчоқлик одатим бор.

— Қайси қўшиғингиз ўзингиз учун энг қадрли!

— Ҳар биттаси ўзгача олам, худди фарзанд каби — нечта бўлса ҳам ўрни бошқа.

— Санъаткорлардан яқин дўстларингиз, асосан кимлар!

— Нуриддин Ҳамроқулов, Отажон Худойшукуров, Маҳмуджон Азимовлар. Ҳарқалай яхши-ёмон кунимизда ҳамроҳмиз бир-биримизга.

— Қайси қўшиқчиларни кўпроқ эшитиб турасиз!

— Аввалом бор, Комилжон устани ҳар куни бир эслайман. Ҳожихон Болтаев, Маъмуржон Узоқов, Фахриддин Умаров, Отажон Худойшукуровларнинг қўшиқларини севиб тинглайман.

— Дастлаб сиз куйлаган қўшиқларни орадан бироз вақт ўтиши билан бошқа таниқли артистлар ҳам оғзига олмоқда. Масалан, Ғуломжон Ёқубов, Хайрулла Лутфуллаев, Насиба Абдуллаевалар. Худди шу масалада шахсан ўзингизнинг фикрингиз қандай!

— Насиба Абдуллаева менинг шогирдларимдан. У билан Самарқандда филармонияда бирга ишлаганман. Санъат борасидаги муомаламиз ҳам яхши. Ғуломжон билан Хайруллага келсак, улар ҳам элнинг назарига тушган, обрўли артистлардан. Эҳтимол қўшиқларимнинг матни уларга ҳам маъқул бўлгандир-да.

— Негадир шоир Муҳаммад Юсуфнинг шеърларини қўшиқ қилмайсиз!

— Муҳаммад Юсуфнинг шеърлари менсиз ҳам санъаткорлар орасида талаб бўлиб кетган. Бу биринчи сабаб, иккинчи сабаби эса севги ҳақида айтиш ёшидан ўтганман. Энди бу мавзуда кўпроқ ёшлар куйласа ярашади.

Эл суйган, худо ёрлақаган бу инсоннинг хонадонида анча гаплашиб ўтирдик. Комилжон Отаниёзов ижро этган ашулаларни мириқиб тингладик. Ортиқ ака ҳақиқатдан ҳам Хоразмда, ўз юртида уй солдирибди. Аммо кўчиб кетиш нияти йўқ ҳали. Аввал фарзандларини жўнатар балким. Аммо тез-тез бориб туради. Падари бузруквори Отажон оғанинг, уста Комилжоннинг қабрларини зиёрат қилади, волидасининг табаррук суҳбатларини олиб қайтади.

Ҳусан ЭРМАТОВ суҳбатлашди.

Суратларни Нормурод Мусомов туширган.

БОЛАНГИЗНИ ҚАРҒАМАНГ

Ёшлигимда орзуларим буюк эди. Врач бўлмоқчи эдим. Фалакнинг гардиши билан савдо техникумида ўқидиму, ҳаётим бутунлай ўзгача йўлдан кетди. Турмушга чиқдим, ишладим. Сўнгра савдо институтида сиртдан ўқидим. Хуллас, шу соҳа билан боғландим. Оила қурганч, узоқ йиллар фарзандимиз бўлмади. Бормаган жойимиз, кўринмаган дўхтиримиз қолмади, ҳисоб. Хўжайним ҳам, ўзим ҳам бир-бировимизга қаттиқ гапиришдан, таъна қилиб қўйишдан чўчирдик. Фақат ёлғиз қолгандагина тўйиб-тўйиб йиғлардим. Тўй-ҳашамларга боролмас эдим. Худди одамлар манави туғмайди, дея мендан ҳазар қилишаётгандек туюларди. Айниқса, туғруқхоналар қаршисидан юриб қолсам, ичим музларди. Чақалоқ йиғисини эшитсам хўрлигим келарди. Бешик тўйларига боролмас эдим. Бефарзандлик ичимни кемирар, фақат иш билан овунишга ҳаракат қилардим. Ҳатто туман советига депутат қилиб сайлашганди. Бироқ ўзимни мевасиз дарахт— тол ёки терак деб ҳис қилардим.

Шундай пайтларда ўқиганим учун ҳам шукр қилардим. Йўқса, билмадим, ҳолим не кечарди.

Ниҳоят оила қурганимиздан 11 йил ўтиб, фарзанд кўрдик. Уша ҳолатимни ҳеч қачон тасвирлай олмайман. Гўёки қайтадан ўзим туғилгандек...

Худога минг қатла шукрки, ҳозир икки ўғил, бир қизимиз бор. Улар турли олий ўқув юртларида ўқишяпти. Ўзим ҳамон ўша-ўша, савдо ходимиман. Тошкент Давлат Аграр дорилфунунининг «Талаба» номлик дўконида ишлайман.

Бу гапларни ёзишимдан мақсадим, ўзимни қаҳрамон қилиб кўрсатиш эмас. Биламан, элчиликда тирноқ қадрига етмаётганлар ҳам, ўша тирноққа зорлар ҳам учрайди. Мақсадим, аёлларимизга икки оғиз гап айтиш: эгачиларим, зинҳор болангизни қарғаманг. Борлигига мингдан-минг шукр қилинг.

Тирноқ доғида юрган сингилларим, оилангизга совуқлик туширманг. Энг асосийси ҳасаддан йироқ бўлинг. Оллоҳга илтижо қилинг. У ҳар ишга қодир. Эртами, кечми, холис илтижоларингиз бажо бўлади.

Муҳаббат ОДИЛОВА